


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5620100 –Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият*  
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги;
- Тошкент давлат транспорт университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 620000 – Транспорт таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1. <i>5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2. Малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш.....	4
1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. <i>5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i> .....	4
1.2.1. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	5
1.2.3. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
1.2.5. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг таълимни давом эттириш имкониятлари</i> ..	6
2. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	7
2.1. Умумий компетенциялар.....	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
2.3. Касбий квалификациялар.....	8
3. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	8
3.1. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурларига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	8
3.2. <i>5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i> .....	10
<i>Библиографик маълумотлар</i> .....	11

## **1. 5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Таълим шакллари бўйича ўқиш кредит-модуль ёки рейтинг тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йилни ташкил қилади.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 5620100 – **Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

### **1.1.2. Малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш:**

Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

### **1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш ва учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг оначалари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

**1.2.1 5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5620100–Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)** бакалаврият таълим йўналиши - фан ва техника соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб у халқаро тажрибаларга мувофиқ барча транспорт турларида юк ва йўловчиларни ташишни ташкил этиш, сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш, транспорт оқимларини интеллектуал технологиялари асосида хавфсиз харакатланишини ташкил этиш, юкларни оптимал маршрутлар билан қисқа муддатда манзилига етказиш, транспорт тизимларида барча

логистик жараёнларни самарали ташкил этиш ва уни бошқаришга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини камраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.*

**1.2.2.5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- барча турдаги (автомобиль, темир йўл ва ҳаво) транспорт воситалари;
- мулкчиликнинг барча турдаги транспорт ва логистик корхоналари;
- халқаро магистралларда юк ва йўловчиларни ташишга мўлжалланган юк ташиш терминаллари;
- логистика марказлари;
- транспорт департаментлари;
- илмий, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасалари;
- транспорт ташкилоти ва корхоналарида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари;

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишида ҳисобга олиниши назарда тутилади.*

*Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.*

**1.2.3.5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4.5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

5620100 – *Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:*

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- транспорт логистикасининг асосий тамойилларини кўллаш;
- барча (автомобиль, темир йўл ва ҳаво) транспорти воситалари ишини ташкил этиш ва бошқариш;
- юк ташишда логистиканинг замонавий хизмат турларидан фойдаланиш;
- барча турдаги транспорт ишига тезкор раҳбарлик қилиш;
- барча турдаги транспортда юк ва йўловчиларни ташиш ишларини ташкил этиш;
- юкларни ортиш ва тушириш ишларини ташкил этиш;
- ташиш жараёнида фойдаланиладиган транспорт ва техника воситаларини танлаш;
- турли транспорт корхоналарининг, логистик марказларнинг, юк терминалларининг, контейнер майдонларининг ишини ташкил этиш;

- барча турдаги транспортда юк ташишнинг ягона технологик жараёнларини ишлаб чиқиш;
- транспорт воситалари ҳаракати графигини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш;
- ташиладиган юкларнинг сифатли сақланишини таъминлаш;
- транспорт оқимларининг хавфсиз ҳаракатланишини интеллектуал технологиялар ёрдамида ташкил этиш ва бошқариш:
  - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида логистик жараёнларини назорат қилиш;
  - транспорт хизматларини кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини кўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- ташиш жараёнларини ташкил этиш учун транспорт корхоналарининг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, логистик жараёнларини режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, корхоналарнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- транспорт қохонасининг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- транспорт оқимлар ҳаракатини интеллектуал-ахборот технологиялар асосида ташкил этиш ва бошқариш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда барча транспорт турларида юк ва йўловчиларни ташишларни ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни транспорт тизими фаолиятини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- транспорт тизимларнинг самарали фаолиятини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни логистик жараёнларга татбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- логистик жараёнларида янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- транспортда бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

5620100 – *Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)* бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган транспорт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

## **2. 5620100 – Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- давлат транспорт сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- мамлакат транспорт тизимида қиравчи асосий транспорт турларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, транспорт турлари асосий иш кўрсаткичларини ҳисоблашни билиш;
- ҳар хил транспорт турларидан фойдаланишнинг асосий иш кўрсаткичлари, шаҳар, саноат ва магистрал транспорт турларининг техник-иқтисодий тавсифи, транспортда илм-фан, экология ва хавфсизлик ўзаро ёндашувининг муаммолари ва шакллари йўганиш;
- юк ва йўловчиларни ташиш технологиялари, транспорт-логистиктизимларини бошқариш, омбор операциялари ва ортиш-тушириш техник воситаларини танлаш, халқаро ташишларни ташкил этиш;
- ИНКОТЕРМС-2010 қоидалари, мультимодал ташувлар, ташишларнинг терминал ва контрейлер тизимларини билиш;
- Роудрейлер ташишлар ва махсус контейнерларда ташишни ташкил этиш;
- математик моделлаштириш орқали автотранспорт ва темир йўл транспорти корхоналаридаги транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий-математик усулларни қўллаб ташиш жараёнларини оптималлаштириш масалаларини ечиш;
- ташиш хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, ташиш жараёнини истеъмолчи эҳтиёжларига мослаштириш ҳамда унинг харажатларини камайтириш, ташишга оид хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш;
- Вена конвенциялари, Женева Кенгаши ва халқаро кенгашлар қабул қилган шартномаларнинг талаблари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаракат хавфсизлиги тўғрисидаги Қонуни асосида автомобилларда юк ва йўловчиларни ташиш жараёнларида ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишни билиш;
- ташишларни ташкил этиш ва турли хил транспортлар хизматидан фойдаланишда интеллектуал тизимлари тизимлари ҳамда GPS ва ГЛОНАСС тизимларитўғрисида назарий ва амалий билимларга эга бўлиш;
- ташқи иқтисодий фаолиятда мультимодал ва интермодал ташувларда иштирок этувчи транспорт турлари, ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт таъминоти; халқаро ташувларда транспорт турлари томонидан бажариладиган транспорт операциялари ҳақида назарий ва амалий билимларга эга бўлиш;

- юк ташиш жараёнини ташкил этиш ва транспорт воситаларини танлаш, ортиш-туширишни замонавий механизмлар ёрдамида ташкил этиш ва юкларни ташишда жаҳон илғор интеллектуал технологияларини профессионал даражада билиш;

- барча транспорт воситаларида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларида ташиш жараёнларини ташки қилишни билиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Транспорт компаниясида логист, транспорт экспедитори, диспетчер, халқаро ташувлар оператори, логистика маркази оператори, эксплуатация ишларини бошқарувчи, хавфсиз ҳаракатни ташкил этувчи муҳандис, техник эксплуатацияси ва сервиси бўйича мутахассис, нозимлик хизматини етакчи мутахассиси, транспорт логистикаси хизматлари сифатини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича етакчи мутахассис, транспорт логистикаси жараёнларига янги техника ва технологияларни жорий этиш етакчи мутахассис, экспорт-импорт юкларини халқаро йўлларда бошқарувчи мутахассис, йўловчиларни шаҳар ички, атрофи, шаҳарлараро ва халқаро ташишни ташкил этиш муҳандиси, ички ва халқаро экспедиторлик хизматларини ташкил этиш ва бошқариш бўйича етакчи мутахассис, юнимодал, мультимодал ва интермодал ташувларни ташкил этиш ва бошқариш бўйича етакчи мутахассис, ташишларни ташкил этиш ва транспорт хизматларини кўрсатишда интеллектуал тизимлари жориш этиш бўйича етакчи мутахассис, GPS ва ГЛОНАСС тизимларини қўллаш бўйича мутахассис, ортиш-тушириш станциялари, юк терминаллари, логистика марказлари, йўловчи станциялари ва вокзаллари ишини ташкил этиш ва бошқариш бўйича етакчи мутахассис.

## **3.5620100 –Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**3.1. 5620100 –Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Ихтисослик фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **Табиий-илмий ва гуманитар фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

- умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим билан узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши;

- табиий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олиши, математик анализ ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллаш олишни шакллантириши;

- маълумотларни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларидан фойдаланишни эгаллаган бўлиши;

- экологик дунёқараш шаклланган бўлиши, экологиянинг концептуал асосларини билиши;

- муайян билим соҳаси таълим соҳаси учун зарур бўлган математик ва табиий-илмий фанларнинг назарий ва илмий асослари шакллантирилган бўлиши *лозим*.



### **Умумкасбий фанлар блоки:**

- математик ва табиий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;
- ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;
- умумкасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;
- умумкасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;
- мамлакат транспорт тизимидаги кирувчи асосий транспорт турларининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, транспорт турлари асосий иш кўрсаткичларини ҳисоблаш, ҳар хил транспорт турларидан фойдаланишнинг асосий иш кўрсаткичларини ўрганиш;
- шаҳар, саноат ва магистрал транспорт турларининг техник-иқтисодий тавсифи, транспортда илм-фан, экология ва хавфсизлик ўзаро ёндашувининг муаммолари ва шакллари ўргатишдан иборат;
- талабаларда юк ва йўловчиларни ташиш технологиялари, транспорт-логистик тизимларини бошқариш, оғир операциялари ва ортиш-тушириш техник воситаларини танлаш, ҳалқаро ташишларни ташкил этиш, ИНКОТЕРМС-2010 қоидалари, мультимодал ташувлар,
- ташишларнинг терминал ва контрейлер тизимлари, Роудрейлер ташишлар ва махсус контейнерларда ташишни ташкил этиш назарий билимлар ва амалий кўникмаларини шакллантириш
- математик моделлаштириш орқали автотранспорт ва темир йўл транспорти корхоналаридаги транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий-математик усулларни қўллаб ташиш жараёнларини оптималлаштириш масалалари,
- ташиш натижаларининг ишончлилиги ва истеъмолчи эҳтиёжларига мослиги, ташиш хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, ташиш жараёнини истеъмолчи эҳтиёжларига мослаштириш ҳамда унинг харажатларини камайтириш, ташишга оид хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш кабилар ўргатишдан иборат.
- талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиши *лозим*.
- модели тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;
- талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиши *лозим*.

### **Ихтисослик фанлар блоки:**

- бакалаврият таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;
- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;
- ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;
- касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;
- муҳандис даражасида фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;
- халқаро тажрибаларга асосланиб, хизматлар соҳасидаги объектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини қўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;
- талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши *лозим*.

**Танлов фанлари:**

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

**3.2. 5620100 –Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	8-30%	8-30%	8-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

**5620100 –Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти)бакалавриат таълим йўналишининг фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланди:**

гуманитар ва табиий-илмий фанлар	– 25,9 %;
умумқасбий фанлар	– 30,1 %
ихтисослик фанлар	– 38,4 %;
қўшимча фанлар	– 5,6%;
ЖАМИ	– 100,0%;

## Библиографик маълумотлар

Гуруҳ Т 55

УДК 002: 651. 1/7

ОКС 01.040.01

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳалари, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профил, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, автомобиль транспорти воситаси ва унинг тузилиши; автомобиль транспорти воситалари; логистик таъминот; автомобиль транспорти корхоналари; юк терминаллари; транспорт тизими; транспорт узеллари; моддий оқимлар; юк ташиш ҳажми; юк обороти; транспорт воситаси иш унуми; юк ортиш-тушириш ишлари; йўловчилар оқими; йўналишлар тизими; йўналишлар тармоғи; автовокзал; автостанция; транспорт узеллари, транспорт турларидан фойдаланиш қоидалари; логистик тамойиллар; логистик тизимлар; омборлар; захира; автомобиль транспорти иқтисодиёти ва менежмент; автотранспортда бошқарув тизимлари; транспорт-логистик тизимлар; ахборот тизимлари; интеллектуал транспорт тизимлари; логистик марказ; эркин иқтисодий ҳудуд.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор \_\_\_\_\_ **О.Абдурахманов**



М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари \_\_\_\_\_ **А.Мирзаев**




М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ  
этиш маркази

Директор \_\_\_\_\_ **З.Хақимов**



М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ўзбекистон халқаро экспедиторлар уюшмаси

Бош директор \_\_\_\_\_ **Д.Хамраев**



М.Ў. 202\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_